МИКРОМОЛИЯЛАШ ФАОЛИЯТИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Т.Т.МАДУМАРОВ

В статье освещен опыт ряда зарубежных стран в сфере микрокредитования, рассмотрены нормативно-правовые основы и организационные вопросы данного вида финансовой деятельности в нашей стране.

In the article there elucidated the experiences of foreign countries in the sphere of microcrediting, viewed out the legal normative principles and the purposes of organizing this financial activity in our country.

Микромолиялаш хорижий давлатларда, жумладан, Бангладешда дунёга машҳур бўлган Грамин банки, Индонезияда «Rakyat» банки, Шарқий Европа мамлакатларида (Польша, Венгрия) фондлар, Эфиопияда миллий банк ва унинг рухсати асосида тузиладиган микромолиявий ташкилотлар [1], Россияда микромолиялаш хизматини кўрсатувчи микромолиявий ташкилотлар тури доираси анча кенг бўлиб, уларга нодавлат нотижорат микромолиялаш ташкилотлари, кредит уюшмалари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, кичик тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат фондлари, нобанк депозит кредит ташкилоти, хусусий тижорат нокредит ташкилоти кабилар томонидан амалга оширилади [2].

Микромолиялаш хизматининг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга келиб микромолиявий ташкилотлар вазифаси, ташкилий тузилиши, бошқарув усули, хизмат кўрсатиш усули, ҳамда молиялашнинг мақсади кабилар билан аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банкининг баҳолари микромолиялашнинг ҳозирги молиявий хизматлар бозоридаги ролини тасдиқлаб, дунё бўйича ривожланаётган мамлакатлардаги 500 млн.дан ортиқ камбағал одамларга хизмат кўрсатадиган 10000 та микромолиявий институтлар мавжудлигини таъкидламоқда.

Буни Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази маърузалари таҳлилида кўриш мумкин: Мозамбиқда халқаро донор ташкилотлар кўмагида акционерлик компаниялари қишлоқ аҳолисига микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан машғул, Малида қишлоқ жамғарма ва кредит ташкилотлари коммунал хизматларда микромолиялашни амалга оширади, Боливия ва Ҳиндистонда нобанк молиявий воситачи Share Microfin Limited тижорат ташкилоти камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аёлларга хизмат кўрсатади. Чилида бу иш Banco del Desarello хусусий тижорат банкининг микромолиявий филиаллари орқали амалга оширилади. Филиппин ва Камбоджада иқтисодий ривожланиш агентликлари ассоциацияси донорлар ёрдамида банкка айлантирилиб, микромолиялаш хизматлари шулар орқали амалга ошириб келинмоқда. Мўғулистон, Бразилия, Грузия, Босния-Герцеговина каби давлатларда махсус ташкил этилган “Микрокредитбанк” микромолиялаш хизматларини кўрсатади [3].

2002 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор асосида Ўзбекистонда микрокредитлашни ривожлантиришда қатнашувчи донор ташкилотлар рўйхати берилган эди. Улар АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) линияси бўйича ACD/VOCA, FINCA, Осиё тараққиёт банки, БМТнинг тараққиёт дастури (ПРООН), "Очиқ жамият" институти (Сорос жамғармаси) – маблағ билан таъминлашда қатнашиш, "Мурувват корпуси" халқаро мурувват ташкилоти (Буюк Британия ҳукуматининг ёрдамида), Нидерландия халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (НОВИБ), АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган "Биргаликдаги тараққиёт" ташкилоти (JDA), JICA (Япония) линияси бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар – ўқитиш дастури, АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган "Норт Вест Медикал Тим" ва "Глобал Лайфлайн" ташкилотлари эди. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 октябрдаги 225-сонли Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

Иқтисодчи Д.А.Таджибаева кредитлашда “нобанк молия институтлари” деган тушунчани келтириб ўтади ва бу тушунча бевосита биз таҳлил этаётган нобанк кредит ташкилотлари тушунчаси билан бир хилдир. Шунингдек, тадқиқотчи микрокредит ташкилотларини шартли равишда икки турга ажратади:

1. Микроркедитлашни бевосита амалга оишрувчи ташкилотлар;

2. Микромолиялашда техник ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар [4].

В.Н.Додонов, Е.В.Каминская, О.Г.Румянцев, А.Б.Барихинлар томонидан тайёрланган энциклопедик луғатларда кредит ташкилотига таъриф берилган ва уларда нобанк кредит ташкилоти тушунчаси келтириб ўтилади [5,6]. Бунинг асосий сабабини Россия қонунчилигида (“О Банках и банковской деятельности”, 1996) кредит ташкилотлари банк ва нобанк кредит ташкилотларига ажратилганида кўриш мумкин.

В.М.Юровицкий фикрига кўра [7], банкларнинг банкдан ташқари (нобанк кредит) ташкилотларидан фарқи иқтисодий назарияга асосланади. Ушбу назария молиявий шахс деган шартли тушунча билан боғлиқ. Молиявий шахс бу пулни тасарруф этувчи шахс. Банк фақат молиявий шахсларга хизмат кўрсатади. Молиявий шахс банк мижози бўлиб, пулни тасарруф этишга тўла ҳақлидир. Банкдан фарқли ўлароқ, банкдан ташқари (нобанк кредит) ташкилотлар ўз мижозларига молиявий шахсни ташкил этмаган ҳолда хизмат кўрсатадилар. Яъни

мулкдор, сармоя эгаси ўз пулларини тасарруф этиш ҳуқуқини ташкилотнинг фойдаси эвазига топширади ва шу вақтдан бошлаб сармояни тасарруф этиш ҳуқуқини йўқотади. Бунда мулкдор сармоялардан ташкилот ҳисобида ҳисоб китоб қила олмайди, бунинг учун у уларни ташкилотнинг эгалик доирасидан чиқариб олиши лозим. Банкдан ташқари (нобанк кредит) ташкилотлари банк билан муносабат ўрнатган ҳолда ўзи ҳам молиявий шахсга айланади. Ўз навбатида, нобанк кредит ташкилотлари ўз клиентларига нисбатан банкларга тегишли бўлган ҳисоб-китоб хизматларини амалга ошира олмайдилар.

Одатда иқтисодий назарияда банк пул воситаси ҳаракатида воситачи ҳисобланади. Банк "кредит ёрдамида сармоя ишлаб чиқариш, пул олди-бердиси, ёки бой берилган сармояни ишлаб чиқариш, пул олди-бердиси ёки бой берилган сармояни ҳисоб китоблар воситасида қоплаш ўрнини эгалловчи ҳаракатдаги капитални фойдаланиш учун бериш"да акс этувчи фаолиятни амалга оширади. Иқтисодчи Лифман банк пул капиталини фойдаланиш учун тақдим этадиган ва уни сақлаш, йиғиш бўйича тижорат тармоғидир, яъни банк пул капитали билан тижорат қилади» [8], деб ҳисоблайди. М.Сперанский ўзининг 1810 йилда ёзилган «Планета финансов» номли асарида банкларнинг аҳамиятини фойдали пул курсини таъминлашда кўради [9].

"Нобанк" атамаси билан боғлиқ тушунчаларда назариячилар қуйидаги фикрларни билдирадилар. С.Ю.Кравцованинг фикрига кўра, "ушбу атама мазмуни бўйича мос эмас ва шунинг учун "бошқа кредит ташкилотлар" деган атама билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди [10]. А.Е.Шерс-тобитовнинг фикрига кўра, "бошқа кредит ташкилотлар" атамаси "нобанк кредит ташкилотлар" атамасидан мақбулроқ бўлиб, нобанк кредит ташкилотлар кредит ташкилот сифатида, алоҳида банк операцияларини амалга ошириш нуқтаи назаридан мантиқсиздир" [11].

М.В.Раздолькин фикрига кўра, банкдан ташқари (нобанк кредит) ташкилотлар кредит ташкилоти сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

a) юридик шахс;

b) исталган ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин;

c) тижоратчи юридик шахс, демак фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган;

d) алоҳида ҳуқуқий лаёқатга эга;

e) муайян ташкилотнинг лицензияси асосида фаолият юритади [12].

Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари Марказий Банк лицензияси асосида фаолият олиб борадилар. Банкдан ташқари (нобанк кредит) ташкилоти фақат қонунда белгиланган алоҳида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, баъзи банк операцияларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилади.

Микромолиялаш кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига микрокредит, микролизинг, микроқарз каби хизматларни қамраб олади. Микромолиялашнинг энг асосий таркибий қисми микрокредитлаш ҳисобланади. Демак, микромолиялаш микрокредитлаш фаолиятини қамраб олади. Микромолиялаш бўйича барча мамлакатларда ўз ички ҳуқуқий тизим талаби, микромолиялаш сиёсати асосида турли ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар фаолиятни амалга оширадилар. Булар банклар, ломбардлар, турли нодавлат фондлар, ассоциациялар, кредит уюшмалар ҳамда микрокредит ташкилотлардир.

Хулоса қилиб айтганда, микромолиялаш XX асрнинг 50-70-йилларида вужудга келди, Марказий Осиё мамлакатларига микромолиялаш концепцияси шу асрнинг 90-йиллари ўрталарида кириб келган. Микромолиялаш кам таъминланган, кам даромадли аҳоли қатламини кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиб ўз турмуш даражаларини яхшилаши нуқтаи назаридан юзага келган, бугунги кунга келиб унинг мақсад ва вазифалари кенгайиб бормоқда. Микромолиялаш хорижий мамлакатларда ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жалилов Ф. Микромолиялаш: хориж тажрибаси. // Банк, пул, кредит.- 2007. -№ 6. – Б.22-25

2. Крюков С.П. Большие цели микрокредитования. 2008. 01.10. http: //www.microcredit.ru.

3. Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. –Т., 2005. – Б.81-89.

4. Таджибаева Д.А. Микрокредитование в системе кредитных отношений. Дис…канд.экон.наук.- Т.,2004.– С.6-7

5. В.Н.Додонов, Е.В. Каминская, О.Г. Румянцев Словарь гражданского права.- М.: Инфра, 1997.-130 с.

6. Барихин А.Б. Экономика и право. Энциклопедический словарь. –М.: Книжный мир, 2000. - 928 с.

7. Юровицкий В.М. Банки и небанковские финансовые учреждения.//Банковское дело. 1994. -№5.-С.12.

8. Агарков М.М. Основы банковского права. Курс лекций. Издание 2-е. Учение о ценных бумагах. Научное исследование. Издание 2-е. - М.:БЕК, 1994. – 6 с.

10. Боровой С.Я. Кредит и банки России. - М.: Госфиниздат, 1958.- 141 с.

11. Кравцова С.Ю. Правовой режим уставного капитала банка. – М.: Дело, 1999. – 22 с.

12. Шерстобитов А.Е. Правовое положение банков и иных кредитных организаций // Правовое регулирование банковской деятельности. / Под.ред. Е.А. Суханова. - М.: Юринформ, 1997. – 16 с.

13. Раздолькин М.В. Гражданско правовое регулирование деятельности небанковских кредитных организаций в Россиикой Федерации. Дис... канд. юрид. наук. – М., 2004.- 129 с.

ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2011 йил 10 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Рўзиев)